Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2001 YIL 27 DEKABR ◆ PAYSHANBA ◆ № 154-155 (26.857)

ЎЗБЕКИСТОН ТАШАББУСИ – ТИНЧЛИК

БМТ Бош котиби Кофи Аннанга Ўзбекистон Президентининг Афғонистонда урушдан кейинги тинч ҳаётни тиклаш борасидаги Ўзбекистон нуқтаи назари баён этилган ёзма мурожаати ҳужжат сифатида нашр этилди ва 56-сессияда иштирок қилаётган давлатлар делегациялари вакилларига тарқатилди.

Шу йил октябрь ойида ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи мамлакатларининг «Евроосиё» телефоруми тўртинчи телевизион фестивали таъсис этган махсус мукофотга қуйидаги сўзлар илова қилинган эди: «Оммавий ахборот воситалари орқали XXI асрнинг янги хавф ва таҳдидларига, биринчи навбатда, халқаро террорчилик ва гиёҳванд моддалар тарқалиши хавфига қарши кураш ғояларини фаол тарғиб қилаётгани, яхшилик ва инсонпарварлик ғояларига ҳормай-толмай хизмат қилаётгани учун!».

Мукофот совриндори ҳақида эса Россиянинг етакчи телекомпанияларидан бири — «ТВ Центр» президенти Олег Попцов шундай дейди:

— Яқиндагина Америка Қўшма Штатларида қандай фожиа рўй берганини биламиз. Террор бутун жаҳонга таҳдид солаётганини кўриб турибмиз. Аммо терроррга қарши кураш нақадар мураккаб эканлигини доим ҳам англаб етавермаймиз. Мамлакат раҳбари бу офатга қарши бир ёки икки-уч бора эмас, қайта ва қайта қатъий фикр билдирар экан, бу — дунёдаги бедор бир фуқаронинг катта жасорати, бу — дунёдаги бир йўлбошчининг улкан шижоатидир. Бугун биз бу жасоратни тақдирлаш имконига эга эканлигимиздан хурсандман...

Ушбу тинчлик йўлидаги жасорати учун тақдирланган махсус мукофотнинг эгаси, МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари тележурналистларининг юксак эътиборига сазовор бўлган инсон Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов эди.

Халқаро терроризм, тинчлик йўлида туғилаётган хавф-хатарларга қарши кураш йўлида Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон ҳукуматининг саъй-ҳаракатлари ва қатъияти тўғрисида халқаро ҳамжамият ҳамда дунё аҳлининг бунга ўхшаш самимий эътирофларини бугун гапириб ўтириш ортиқча. Зеро, мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ Ўзбекистон ҳукумати инсоният келажаги — тинчлик билан бевосита алоқадор 50 дан ортиқ тарихий воқеалар ташаббускорига айланиб, дунё кўз ўнгида тинчлик ва барқарорлик йўлида курашувчи яна бир мустаҳкам давлат пайдо бўлганлигини исбот этди.

Яқинда эса республикамиз Президентининг БМТ Бош котиби Кофи Аннанга Афғонистонда урушдан кейинги тинч ҳаётни тиклаш борасидаги Ўзбекистон нуқтаи назари баён этилган ёзма мурожаати БМТнинг 56-сессияси иштирокчилари фикр алмашувининг асосий мавзуларидан бири бўлди. Ўзбекистон нуқтаи назари муҳим ҳужжат сифатида нашр этилди ва тарқатилди.

Албатта, дунё ҳамжамиятининг Ўзбекистон фикри билан қизиқиши, унга юксак ҳурмат билан ёндашиши бежиз эмас. Биз бевосита БМТнинг маълум бир қарорга келишига асосий сабаб бўлган 2 та воқеани эсласак кифоя: 1997 йилнинг 15-16 сентябрида Тошкентда **«Марказий Осиё — ядро қуролидан ҳоли зона» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтган эди.** **Унда Юртбошимиз нутқ сўзлаб «Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зонанинг барпо этилиши ва унинг фаолият кўрсатиши — ядро қуролини тарқатмаслик ҳақидаги шартнома доирасида белгилаб берилган дунё миқёсидаги ядро хавфсизлиги тизимининг ажралмас қисмидир. Бу амалда Марказий Осиё минтақаси давлатлари ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланишнинг умумий тартибига фаоллик билан қўшилажагини билдиради»** деган эдилар ва яна бир бор Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли зона барпо этишдаги ташаббусларини давом эттиргандиларки, 1997 йил 9 декабрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 52-сессиясида **«Марказий Осиёда ядро қуролидан ҳоли ҳудуд яратиш» тўғрисидаги резолюция қабул қилинди.**

1999 йил 18 ноябрдаги ЕХҲТнинг Истанбул саммитидаги Юртбошимизнинг БМТ таркибида халқаро терроризмга қарши кураш марказини ташкил этиш тўғрисидаги фикрлари, ниҳоят 2001 йил 28 сентябрга келиб БМТ Хавфсизлик Кенгаши доирасида халқаро ҳамжамият саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштирувчи **Терроризмга қарши кураш бўйича қўмита** ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан якунланди.

Афғонистондаги мавжуд нотинч ҳолат, бу замин халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ сотиб олувчи марказга айланиб бораётганлиги ҳақидаги Президентимизнинг, «ТВ-Центр» президенти Олег Попцовнинг ибораси билан айтганда, икки-уч эмас, қайта ва қайта қатъий фикрлари, огоҳлантиришларига дунё ҳамжамияти ва дунёдаги етакчи давлатлар томонидан етарли эътибор қаратилмаганлиги қандай оқибатларга олиб келганлигини дунё аҳли бугун кўрди. Бевосита Афғонистондаги халқаро терроризм ўчоқларини йўқ қилишга қаратилган ҳаракатларда ҳам Ўзбекистон ҳукуматининг тинчлик йўлидаги қатъиятлиги яна дунё эътирофидан ўтди. Бугун дунё Ўзбекистон тимсолида тинчликнинг ашаддий душманлари — халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ савдосига қарши бўлган тараққийпарвар давлатни кўриб турибди.

18 декабрда БМТ Бош котиби номига ёзилган Афғонистонда урушдан кейинги тинч ҳаётни тиклаш борасидаги Ўзбекистон ҳукуматининг нуқтаи назарида ҳам эътибор 20 йиллик уруш давомида Афғонистон ҳудудида тўпланиб қолган қуролларни йиғиб олиш масаласига қаратилади. Тинчлик борасидаги қатъиятли Ўзбекистон йўли яна дунё тасдиғидан ўтди. Қурол ҳамиша тинчликнинг кушандаси бўлиб келган. Ўқ овози эшитилиб турган жойда тинчлик бўлмайди. Афғонистон халқининг эндиги тинч ҳаётини у ерда тўпланиб қолган қуролларни йиғиб олишдан бошлаш, хунрезликларга сабаб бўлувчи воситани йўқ қилиш, тинчликка таҳдид солувчи кучлардан бирига зарба бериш деганидир.

Афғонистонга қурол етказиб бермаслик, бу ҳудудни қуролларни синовчи полигонга айлантирмасликни сўраб Юртбошимиз бундан илгари ҳам дунё давлатларига қарата кўплаб мурожаат этган эди.

1996 йил 26 июнида АҚШнинг миллий матбуот клубида Президент Ислом Каримов дунё аҳлини огоҳликка чақириб, **«Бундан бир йил аввал Ўзбекистон низо зонасига қурол-яроғлар етказиб беришга қаттиқ халқаро таъқиқни эълон қилишини таклиф этди. Шундан кейин Европа парламенти ва БМТнинг Афғонистон бўйича қабул қилинган резолюцияси, АҚШ Конгрессида ушбу масала бўйича ўтказилган мунозаралар халқаро ҳамжамият бундай чоранинг мукобили йўқлигини англаб етганидан далолат беради.**

Умид қиламанки, БМТ Бош Ассамблеясининг бўлажак 51-сессиясида Афғонистонга қурол-яроғни етказиб беришни таъқиқлаш ҳақидаги таклиф ўз тасдиғини топади...» деган эдилар. 1996 йил 5 июнида Тошкентда чет эл дипломатик корпус вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган брифингда Афғонистондаги қурол-яроғ масаласига янада қатъиятлироқ ёндашгандилар: **«Афғонистонда уруш бўлаяпти. Агарда қарама-қарши томонларни ҳеч ким қўллаб-қувватламаганида ва курол етказиб бермаганида ўз вақтида СССР ва бошқа мамлакатлардан келтирилган қурол-яроғ ресурси аллақачон тугаган бўларди».**

Афғонистонга қурол олиб кирилишини тўхтатиш масаласини илгари сураркан, Юртбошимизнинг бу хусусда Эрон ва Покистон раҳбарияти билан музокаралар олиб борганини эслаш жоиз. Бу масалада Юртбошимиз Ашгабад шаҳрида Афғонистоннинг ўша пайтдаги президенти Раббоний билан ҳам суҳбатлашган эди.

1996 йил 3 декабрь куни Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига аъзо давлатлар бошлиқлари учрашувида ҳам Президентимиз Афғонистондаги можарони тўхтатишнинг, бу хавфнинг ташқарига чиқиб, кучайиб кетмаслигининг бирдан-бир йўли Афғонистон ҳудудига қурол-аслаҳа олиб кирилишини таъқиқлаб қўйиш эканлигини яна бир бор таъкидлайди.

Йўлбошчимиз юқоридаги фикрларини жуда кўплаб нуфузли минбарларда айтиб келди. 2000 йил сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг «Минг йиллик саммити»да бу масалага яна дунё аҳлининг диққатини қаратди:

«... биз террорчилик ва экстремизмнинг айрим кўринишларига эмас, балки энг аввало, террорчиларни ташкил этаётган, йўналтираётган ҳамда уларни замонавий воситалар ва қуроллар билан таъминлаётган йирик молиявий ва бошқа имкониятларга эга халқаро марказларга биргаликда кураш олиб борган тақдирдагина унга қарши туришимиз мумкин».

Ўтган 20 йиллик урушлар пайтида Афғонистонда катта миқдорда қурол-аслаҳа йиғилиб қолганлиги ҳаммага маълум. Ўзбекистон ҳукуматининг бу қурол-яроғларни йиғиб олиш ва камайтиришга оид мулоҳазалари Ўзбекистон тинчлик ташаббускори эканлигини, Афғонистон халқининг тинч-тотувлигини таъминлаш борасидаги ҳаракатларининг нақадар улуғвор эканлигини кўрсатди.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ**



ЎЗБЕКИСТОН – ЮНЕСКО СОВРИНИ СОҲИБИ

ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси БМТ Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ташкилотининг «Тинчлик устуни» совриниг билан тақдирланди.

2000 йилни ЮНЕСКО «Тинчлик маданияти йили», деб эълон қилган эди. Худди шу йили унинг Бирлашган мактаблар тармоғи дастури доирасида илк бора таъсис этилган ушбу биллур соврин тинчликка йўналтирилган таълим соҳасида амалга ошириладиган эзгу ишлар учун берилади.

Шунингдек, юртимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг муваффақиятли амалга оширилаётгани ҳам ушбу соврин мамлакатимизга топширилишига муҳим асос бўлди. Зеро, бу дастур дунёда «таълимнинг ўзбек модели» сифатида эътироф этилмоқда.

Мазкур совринга ЮНЕСКОга аъзо 190 давлат орасида айнан мамлакатимиз сазовор бўлгани бежиз эмас. ЮНЕСКО Бош директори Коичиро Мацуура номидан келган мактубда шундай дейилади: «Биз Ўзбекистонда таълим соҳасида қилинган ишларнинг сифати юқорилигини, нафақат ўқитувчи ва ўқувчиларнинг, балки бутун жамиятнинг тинчлик йўлида таълимга йўналтирилган ялпи сафарбарлигини ҳисобга олиб ва бундай сиёсат дунёда тинчлик, барқарорликни янада мустаҳкамлашига ишонч билдириб, «Тинчлик устуни» совринини ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссиясига топширишни лозим деб топдик».

Дарҳақиқат, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий комиссияси ўтган давр мобайнида ёшлар ўртасида тинчлик, бағрикенглик ғояларини тарғиб этиш борасида кўплаб хайрли ишларни бажарди. Хусусан, юртимизда ҳар йили Халқаро ёшлар лагери ташкил этилиб, унда Марказий Осиё давлатлари, АҚШ, Германия, Япониядан ҳам йигит-қизлар қатнашади. Улар ўзаро дўстлашади ва тинчликни мустаҳкамлашга оид давра суҳбатлари, мунозараларда иштирок этади. Шунингдек, комиссия томонидан тайёрланган тинчлик, диний бағрикенглик мавзуини қамраб олувчи талайгина нашрлар, CD-ROM ва мультимедиа дисклари, аксарият таълим муассасаларимиздаги тарих, ҳуқуқшунослик, «Одобнома», «Миллий истиқлол ва маънавият асослари» каби фанларда унумли фойдаланилмоқда.

ЮНЕСКОнинг Бирлашган мактаблар дастурига аъзо илм муассасаларимиз эса кўплаб халқаро ташкилотларнинг мутахассислари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Зеро, бу ўқув даргоҳларида 1999 йилдан бошлаб жамоат таълим марказларининг ташкил этилиши ва уларнинг тинчлик, бағрикенгликни тарғиб этиш, умуминсоний қадриятларни қадрлашга оид фаолиятига юқори баҳо берилмоқда.

■ **(ЎзА)**

«БОЛАНГИЗНИ ШАМОЛЛАШДАН АСРАНГ»

АҚШ халқаро тараққиёт агентлиги Фарғона вилоятида ана шу шиор остида соғлом турмуш тарзини ташвиқ қилишга бағишланган тадбир ўтказмоқда, деб хабар қилади **«Туркистон-пресс» мухбири.** Тадбир АҚШ ҳукумати томонидан маблағ билан таъминланади.

Тадбирнинг мақсади болаларда зотилжам касаллигининг олдини олиш ва болалар ўлимини камайтиришдан иборат. Зотилжам дунёда ҳам, Ўзбекистонда ҳам ҳаётининг илк даврида болалар ўлимига асосий сабаб бўлаётган касалликлардан биридир. Республика ҳукумати маълумотларига кўра, ёшига етмай нобуд бўлаётган болаларнинг 51 фоизи айнан ўткир ўпка шамоллаши – зотилжам туфайли ҳаётдан кўз юммоқда. Бу дард айниқса қишли-қировли кунларда кўп тарқалади.

Фарғона вилояти врачлари ва тиббий ҳамширалари тадбир мобайнида клиник ўқувдан ўтадилар, шу билан бирга соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ва ўткир ўпка яллиғланишининг олдини олиш бўйича ўтказиладиган семинар машғулотларида иштирок этадилар.

МУЧАЛ БЎЙИЧА КЕЛАЁТГАН ЙИЛ ОТ ЙИЛИ БЎЛАРМИШ...



ФАМХЎРЛИККА МУНОСИБ БЎЛАМИЗ

Коллежимизнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Клара Қазақбаева Зуҳра Қаюмназарова билан иккимизни хонасига таклиф қилиб, «Санкт-Петербург шаҳрида «XXI аср авлодлари», яъни МДҲ давлатлари болалар уйлари тарбияланувчилари бадиий ижодий фестивали бўлиб ўтади. Шу фестивалга Ўзбекистон ёшлари ҳам таклиф қилинган. Коллежимиздан сизларни тавсия қилмоқдамиз. Сизлар ўз истеъдодингизни Нукусда кўрсатасизлар. Агар меҳнатларингиз лойиқ тошилса, Санкт-Петербург шаҳрига борасизлар», — деди.

Шундай қилиб Нукусда танлов бўлиб ўтди. Мен ўзимнинг ёзган суҳбатимни ўқидим, Зуҳра эса ўзбекча рақсга тушди. Иккаламиз ҳам фестивалга йўлланма олдик.

Биз қорақалпоғистонлик 7 ўқувчи бошқарманинг академик лицейлар бўлими бошлиғи М. Юсупов бошчилигида Тошкентга жўнаб кетдик. Тошкентда бизларни бошқарма бошлиғи Таваккал Абдухолиқов кутиб олди. Ҳужжатларимиз тайёрлаб қўйилган экан. Шу куниёқ самолётда Москвага жўнадик. Бу ерда бир кун бўлиб, Санкт-Петербург шаҳрига етиб келдик. Биздан ташқари Украина, Арманистон, Молдова, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия ўқувчилари ҳам келишган экан.

Ўн бир кун давомида шаҳарнинг тарихий жойлари билан танишдик. Фестивалга келган ўқувчилар билан дўстлашиб олдик.

Санкт-Петербург шаҳрида ўтган кунларимиз унутилмас воқеа бўлди. Қорақалпоқ халқи экологик вазиятда сувнинг тақчиллигидан жабр кўрмоқда. Президентимиз бизлардек фарзандларнинг она-Ватани, халқи каби ғамхўри бор, деб таъкидладилар. Бундай ғамхўрликка тартиб-интизомимиз, билимимиз билан жавоб берамиз.

■ **Насиба БОРАНБОЕВА, Кегайли туманидаги Халқобод саноат-транспорт касб-ҳунар коллежи ўқувчиси**

ХРОНИКА

ТЕРРОРЧИНИНГ ЎЛГАНИ РОСТМИ?



Покистонда чиқадиган «Покистон Обсервер» газетасида ёзишларича, биринчи рақамли террорчи Усама бин Лоднинг дафн маросими декабрь ойининг ўрталарида Тора-Борада бўлиб ўтган. Ушбу маълумотни эса покистонлик журналистлар толибларнинг етакчи раҳбарларидан олишган. Номи ошкор этилмаган ушбу раҳбарнинг тасдиқлашича, бин Лодин АҚШ бомбалари оқибатида эмас, балки касаллик туфайли вафот этган. Охирги пайтлардаги дори-дармон етишмаслиги оқибатида бин Лодин зўрайган касаллик хуружига дош беролмаган ва Тора-Борада жон таслим қилган, дея маълумот беради журналистларга ушбу манба. Дафн маросимида бин Лодиннинг энг яқин кишиларидан 30 нафари қатнашган. Усама ҳеч қандай васият қолдирмаган. У Афғонистондаги урушда қурбон бўлган тарафдорлари албатта Оллоҳ томонидан тақдирланишига умид билдирган. Усаманинг қабри қаерда эканлиги ҳақидаги саволга эса «Ишонаманки, Тора-Борадаги бошқа жойлар қатори бин Лодин қабрининг жойи ҳам йўқолиб бўлган», дея жавоб берилган.

Усама бин Лодиннинг ўлими ҳақидаги хабар АҚШ маъмурияти томонидан турлича қабул қилинган. Пентагон вакилларининг маълумотича, бин Лодин Тора-Борадаги бомбардимонлар чоғида ҳалок бўлган бўлиши мумкин. Касаллик туфайли эмас. Бошқа вакилларнинг фикрича, бу маълумот шунчаки, ҳозирда террорчини топишга йўналтирилган АҚШ ҳаракатини бироз сусайтириш учун ўйлаб чиқарилган, холос. Расмий Пентагон баёнотига кўра эса, бин Лодинни топиш операцияси токи уни ўлик ёки тирик ҳолда қўлга киритилгунга қадар давом этади. Бу борада АҚШ Яман ҳукуматига мамлакатдаги «Ал-Қаида» гуруҳларини яксон этиш учун махсус гуруҳ киритишга рухсат сўраб мурожаат ҳам қилган. Ҳозирча Яман расмий жавоб жўнатгани ҳақида маълумот йўқ. Бироқ, мамлакатда ҳукумат қўшинлари экстремистик гуруҳлар билан жанг олиб бораётгани ва жанглар оқибатидаги қурбонлар ҳақида маълумотлар бор.

Шунингдек, Пентагондаги айрим юқори лавозимли раҳбарлар томонидан тарқатилган маълумотга кўра, бин Лодин Афғонистонни Покистон кемалари ёрдамида яширинча тарк этган ва ҳозир у айнан Яманда бўлиши ҳам мумкин. Айнан шу боис ҳам АҚШ айғоқчилари Яман полициячилари билан яқиндан ҳамкорлик қилиш иштиёқида. Бу иштиёқ эса давлатлараро расмий алоқалар билан мустаҳкамланиши лозим.

Афғонистонда эса АҚШ Тора-Борадаги истеҳкомлар бўйлаб ҳаво зарбаларини қайтадан амалга ошираётгани ҳақида маълумотлар бор.

СПОРТ

БОШ МУРАББИЙ САЙЛАНДИ

Ниҳоят икки ойдан бери футбол мухлисларини ўйлантириб келаётган масала ҳал этилди. Тўғриси, ушбу мавзу ўртага ташланганидан бери ўтган фурсат ичида қайси номзод кўрсатилмасин, ҳамма бир нарсани, яъни ким бўлишидан қатъи назар юрт футболида туб бурилишлар ясай оладиган мураббийнигина кутишаётганди. Гап шундаки, миллий терма жамоамизнинг жаҳон чемпионати саралаш ўйинларидаги муваффақиятсиз иштирокидан сўнг бўшаб қолган бош мураббийлик лавозимига ниҳоят куни кеча Ўзбекистон футбол федерацияси ижроқўмининг йиғилишида Тошкентнинг «Трактор» жамоаси мураббийи Равшан Ҳайдаров лойиқ, деб топилди. Гарчи асосий даъвогарлар сифатида Бирodар Абдураимов ва Юрий Саркисян номзодлари кўрсатиб келинган бўлса-да, федерация президенти Зокиржон Алматов ҳамда Давлат спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситовлар иштирок этган йиғинда энг муносиб киши сифатида юқоридаги ном эътироф этилди. Бунинг сабаби миллий чемпионатимизда пешқадам саналмаса-да, лекин сўнгги йилларда барқарор ўйин намойиш этиб келаётган «Трактор» жамоасининг эришаётган муваффақиятларида бевосита Равшан Ҳайдаровнинг ҳиссаси бор. Бундан ташқари, у терма жамоанинг мураббийлар кенгаши аъзоси сифатида ҳам тажрибаси етарли. Хуллас, нима бўлганда ҳам янги бош мураббий кўп миллионли мухлисларнинг орзулари амалга ошишида сидқидилдан тер тўкади, дея умид қилиб қоламиз.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ХЎЖАЛИКЛАРДА МИНИ-БАНК

Сурхон диёримизнинг жанубий сарҳади. Иқлими қишда ҳам мўътадил турувчи бу гўша субтропик неъматлар зироатчилиги билан ажралиб туради. Чорвадорлари эса вазни таначани ҳам босадиган ҳисори қўйлари билан фахрланадилар. Воҳа азалдан маънавият ва маърифат маскани ҳисобланган. Зеро, ҳуррият нафасидан баҳраманд, Ватан мустақиллигини кўнглига ифтихор ила туйган сурхонликлар бозор иқтисодиёти тамойилларига содиқ. Хусусан, бу республика акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк»нинг Денов туман бўлими фаолиятида ўз ифодасини топган.

Тадбиркору ишбилармонларни қўллашда камарбаста бўлиб турган бўлимда 354 нафар мижозга хизмат кўрсатилиб, кўмак берилмоқда. Жорий йилда тадбиркорларга 50 миллион сўмдан ортиқ кредит бериш мўлжалланмоқда. Банк кўрсатаётган кўмак туфайли ўтган йили «Орзу-К» хусусий фирмаси шаҳар марказида замонавий бозор барпо этган эди.

— «Гулзор» савдо маркази фойдаланишга топширилгач, қарийб 1000 нафар киши иш билан таъминланди, — дейди фирманинг ижрочи раҳбари Ашур Исмоилов. — Бундан ташқари кўпчилик ҳавас қилса арзигулик сиҳатгоҳ ҳам ўз фаолиятини бошлаган. Демак, банк билан мижоз ўртасида ўзаро ишонч юзага келса, кўнгилдаги эзгу ишлар рўёбга чиқаверар экан.

— Жаҳон айвонида ўз ўрнимизни муқим қилиб оладиган кунлар яқин, — дейди банк мижози Аҳмад Назруллаев. — Ҳозир ихтиёримизда 1200 бошдан ортиқ қорамол мавжуд. Аҳолига мунтазам гўшт ва сут етказиб бераяпмиз. Яқинда эса сутни қайта ишлайдиган хорижий ускуна олиб келдик. Энди қадоқланган, сифатли маҳсулот сотишга имконимиз бор.

«Тадбиркорбанк» туман бўлими бошқарувчиси Бахриддин Мирзаалиевнинг мулоҳазаларини тинглаб, ширин хаёлларга борасан киши.

— Мустақиллигимиз туфайли банк фаолиятини ҳар жиҳатдан кенгайтиришга имкониятлар яратилди, — дейди у. — Яхши ниятда саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Насиб этса, барча ширкат хўжаликларида мини-банк очишни мўлжаллаб турибмиз. Назаримда бундай тадбир кўпчиликка эриш туюлиши мумкин. Лекин гапимга ишонаверинг, яқин йилларда хўжаликлар тугатилиб, ер ўз эгасини топади. Ёш, замонавий тадбиркорлар етишиб чиқади. Уларни маблағ билан қувватлаб турсак, ишлар юришаверади. Бундай катта ишларга бугундан пойдевор қўйилмаса, кейин қийин бўлади.

Тадбиркор раҳбар фермерларга йил бошидаёқ 54 фоизли аванс бериш дастурини ҳам амалга оширмоқчи. Шунда қишлоқлар янада ободонлашиб, меҳнат ўринлари кўпаяверади. Муҳими, ўзимиз бой бўлиб, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.

■ **А. ҲАЙДАРОВ**

ШАРТНОМАда ШАРТЛАШДИНГМИ...

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартнома муносабатларига катта эътибор қаратилмоқда.

Табиийки, шартнома ўзи нима деган савол туғилади. Шартнома бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий воситасидир. Шартномада тарафлар ўзаро келишган ҳолда, маълум бир мақсадга эришиш учун ўз зиммаларига фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини олади-лар. Ана шундай икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади.

Шартнома, биринчидан, уни тузган тарафлар манфаатларига зид бўлмаслиги, амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши, тарафлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши ва унда мажбуриятларни таъминлайдиган жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлиши керак.

Шартнома тузишда асосан қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

дастлаб тузиладиган шартноманинг предметини, яъни нима юзасидан тузилишини ва унинг оқибатидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ тасаввур қила билиш лозим;

етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини акс эттириш;

шартноманинг бажарилиш муддати, ҳисоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш;

шартнома шартлари ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой акс эттирилиши лозим.

Низо чиқишининг олдини олиш мақсадида шартномада унинг шартлари аниқ ва равшан ифодаланиши, улар тарафлар имкониятига мос келиши, ҳажми ҳамда бошқа тарафнинг эса шу маҳсулотга ҳақ тўлаши ва уни етказиб бериш учун имкониятлари аниқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси талаблари асосида хўжалик шартномаларини имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати ёки шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан юқори суммадаги хўжалик шартномалари юридик хизматнинг ёки шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузишга йўл қўйилади.

Ҳар қандай шартнома мазмунан қонун ҳужжатлари талабига ва тарафларнинг мақсад ва манфаатларига мос равишда тузилган бўлиши керак.

Шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг мажбуриятлари бажарилиши муддати шартномада кўрсатилиши зарур. Бу иккинчи тараф шартномани бажаришни рад этганда тегишли талабнома (претензия) киритиш ва жарима, пеня ундириш, келтирилган зарарни қоплатиш учун имконият яратади.

2001 йилнинг 11 ойи давомида 50 та хўжалик юритувчи субъектларда шартномалар тузилиши ҳамда уларнинг ижроси ўрганилганда, жами 1050 та 850.000.000 сўмлик шартномалар амалдаги қонунларга зид ҳолда тузилганлиги аниқланди ва барчаси қайта туздирилди.

Масалан, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси тизимидаги «Темирчи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан жами 19 та 130.000.000 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган бўлиб, шундан 17 та 110.000.000 сўмлик шартномаларда етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулотнинг номи, миқдори, тури, етказиб бериш муддатлари кўрсатилмаган.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимидаги «Тола» очиқ акциядорлик жамияти томонидан «Интегра» хусусий фирмасига 8.500.000 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномада маҳсулотнинг сифати, ассортименти, тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда мулкий жавобгарликлари белгиланмаган.

Республикамиз ўз миллий мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб, бозор иқтисодиёти сари дадил боришида, шартнома интизомига риоя этиш, тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлигини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

■ **Зафар ОЛИМОВ,**
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи



Ёл аввалом бор она, уй бекаси, унинг елкасида рўзғор ташвишларидан тортиб, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларнинг бевосита иштирокчиси бўлишдек масъулиятли вазифа ҳам бор. Бу борада қашқадарёлик хотин-қизларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Суратларда сиймолари акс этган келажагимиз тарбиячилари бўлмиш Таллимаржон шаҳридаги «Лола» боғча-мактаб мажмуаси тарбиячиси Гулойим Қораева ҳамда Яккабоғ туманидаги «Олтин балиқча» болалар боғчасининг тарбиячиси Тамара Раҳматовалар доимо болажонлар билан бирга.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

ДИҚҚАТ, ЯНГИ НАШР!

КИТОБЛАРГА ОШНО ҚИЛИБ



Суратда кўриб турганингиз — «Китоб дунёси» нашри сизга нотаниш туюлаётгани табиий. Негаки, у янги нашр.

Тўғри, бугунги кунда нашрлар турли-туман, республика бўйича 500 номдан зиёд газета-журнал чоп этилмоқда. Энди улар сафига «Китоб дунёси» газетаси ҳам қўшилди. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси бор. Худди шунингдек, «Китоб дунёси» ҳам тез орада ўз ўқувчиларини топиб олишига ишонамиз. Негаки, у ўқувчини китоблар оламига етаклайди, китоб билан дўстлаштиради. Яъни республикамизда 50 та нашриёт фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг бир йилда чоп этган китоби 32 миллион нусхани ташкил этади. Демак, бир нашриёт ўрта ҳисобда бир йилда 10 мадан ортиқ турдаги китобни чоп этса, бундан ҳамма ҳам ўз пайтида хабар топавермайди. Айнан шу муаммони ечишда «Китоб дунёси» газетаси ўқувчилар учун «тилмоч» вазифасини бажаради. У ҳар бир нашриётда янги чоп этилган китоблар, мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликлари хусусида қисқа, лўнда, лекин аниқ ахборотлар бериб боради. Нашриётлар каталоги билан ўқувчиларни таништириш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари китобхонлар фикр-мулоҳазалари билан ҳам доимий равишда ўртоқлашади.

Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган «Китоб дунёси» нишона сонининг тақдимот маросимида айнан юқоридаги фикрлар билдирилди.

Дарвоқе, янги газета ойда икки марта чоп этилади. Унинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

ЮРТ ТАЯНЧИ ЙЎЛИДА

Маълумки, яқинда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти хайрли ташаббусга қўл уриб, бир неча жамоат ташкилотлари билан биргаликда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «оммавий ватанпарварлик ойлиги» эълон қилинган эди. Қилинадиган ишлар сирасига ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда турли тадбир ва учрашувлар ташкил этиш, ҳарбий қисмларда аскарлар билан мулоқотлар ўтказиш, шунингдек, спортнинг амалий ва техник турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш киритилганди. Сиртдан қараганда бу гўёки «Ватанпарвар» ташкилотининг юмушидек кўринсада, бироқ ойлик тадбирларида қатнашишнинг кўлами чегараланмаган. Яъни, ойликда барча қатнашиши мумкин.



Айни пайтда республикамиз миқёсида ойликни кўтаринки руҳ ва ташаббускорлик билан ўтказишда «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий тузилма ва муассасаларида қизғин тадбирлар бошлаб юборилди. Бу борада бошқа жамоат ташкилотлари амалга ошираётган муайян ишларни инкор этмаган ҳолда, оммавий ойликни ўтказишда «Ватанпарвар»нинг ўрни алоҳидалигини таъкидлаш жоиз.

Термиз автомобиль мактаби мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашда қатор йиллардан буён самарали фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйини нишонлаган мазкур даргоҳнинг амалий иш кўламига назар соладиган бўлсак, автомобиль мактаби курсантларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан синовдан ўтказилиши ҳамда ҳамиша энг керакли омил сифатида қараладиган жисмоний тайёргарлик ва саломатлик меъёрларини ҳам талаб даражасида деса бўлади.

Юрт ҳарбий салоҳиятининг асосини ташкил этувчи ҳарбий-техник мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси юқори бўлиши аввало уларга техниканинг сир-асрорларини ўргатувчи даргоҳларнинг ўқитиш тизими замон талабига нечоғлик жавоб бера олиш ёки олмаслигига боғлиқ. Юқори ташкилотлар томонидан ўтказиладиган текшириш натижалари мактаб ўқитувчилари билан муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни биртараф этиш тадбирлари тузилган. Мутахассислар тайёрлаш сифатини кучайтиришда мактабнинг ўқув-моддий негизи катта аҳамиятга эга. Мактабда 6 та назарий, 3 та амалий машғулотлар ўтиш синфлари мавжуд бўлиб, улар талаб даражасида жиҳозланган.



Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш кенг йўлга қўйилган. Жумладан, автопойга, биатлон, денгиз кўпкураши мусобақаларида мактаб вакиллари қатор совринларни қўлга киритиб келмоқда.

Оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан автомобиль мактаби жамоаси ҳам қилинадиган ишларни белгилаб олди. Тадбир ва мусобақалар ўтказиш билан бирга спорт турлари бўйича бошқа вилоят жамоалари билан беллашишлар ҳам инобатга олинган.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири



ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Германия аэропортларида АҚШ авиалайнерларида учраётган ҳар бир йўловчининг оёқ кийимлари рентгент орқали текширувдан ўтказилмоқда. Маълумки, АҚШ авиалайнерида Париждан Майамига учаётган самолётда террорчи қўлга олингандан сўнг мазкур чоралар амалга оширила бошланган эди.

ФАОЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Фаластин маъмурияти вакиллари бераётган маълумотга кўра, Исроил ҳарбийлари Ёсир Арофат бошқараётган ФАТХ ҳаракатининг 18 нафар фаолларини қўлга олишган. Тасдиқланмаган маълумотга кўра, 300 нафарга яқин Исроил ҳарбийлари танклар ва вертолётлар ёрдамида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Аззун шаҳарчасига киришган ва фаолларни қўлга олишгач, у ерни тарк этишган.

ЖАРАЁН НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Маҳачқалъада Салман Радуев ва унинг уч нафар сафдошлари устидан бораётган суд иши ниҳоясига етди. Ҳукмга кўра, Радуев бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган, унинг сафдошларига эса 5 йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси белгиланган.

Маълумки, Радуев ноқонуний ҳарбий ташкилотга аъзолиги, шунингдек, шу билан боғлиқ бир қатор жиноий моддалар асосида айбдор саналаётган эди.

Суд жараёни узоқ, шу билан бирга жамоатчилик диққатида давом этаётганди. Суд жараёнидаги, тўғрироғи, якунидаги бир ҳолат эътиборни тортгани айтилмоқда. Хусусан, Радуевнинг сафдоши Аттериевнинг «Чеченистонда бўлаётган воқеаларнинг асосий айбдори Дудаев деб ҳисоблаш удумга кирган, бироқ бундай эмас. Асосий айбдор — Чеченистоннинг эрксевар халқи. Ахир бир ёки икки киши бутун халқни урушга қўзғатиши мумкинми?» деган сўзлари кўплаб жаҳон матбуот нашрларида иқтибос сифатида келтирилмоқда.

ТАҲРИРИЯТ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ



Москвада чиқадиган «Новые известия» газетаси журналисти Валерий Яков ва Россия хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев ўртасидаги можарони Россия Олий суди кўриб чиқди. Эслатиб ўтамиз, газетада мухбир Валерий Яков томонидан «Патрушев Чеченистон ҳақида эслади» деган мақола чоп этилган эди. Суд можароси эса айнан шу мақола билан боғлиқ. Унда журналист Патрушевнинг Шимолий Кавказдаги аксилтеррорчилик кураши дея аталаётган ҳарбий ҳаракатлардаги раҳбарлиги ҳақида ҳикоя қилади. Жаноб Патрушев томони ушбу мақола ҳақиқатга мос келмаслиги ва унинг хизмат фаолиятига путур етказаётганлиги раддияси билан чиққанди.

Хуллас, Россия Олий суди ҳукмига кўра газета Патрушевдан кечирим сўраш тариқасида раддия мақоласини беради, шунингдек, етказилган маънавий зарар учун таҳририят 4 минг рубль, журналист эса минг рубль тўлашлари лозим.

ГУРУҲ РАҲБАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Покистон хавфсизлик хизмати «Жайши Муҳаммад» экстремистик гуруҳи раҳбари Масъуд Азхарни ҳибсга олди. У 13 декабрь куни Ҳиндистон парламентига қилинган ҳужумни уюштирганликда айбланмоқда. Покистон Президенти Парвез Мушарраф агар М.Азхарнинг ушбу қўпорувчиликдаги иштироки тўла исботланса, мазкур гуруҳга қарши кескин жазо чоралари қўлланилишини маълум қилди.

ГАЗЕТА ХАБАРЛАРИГА ЖАВОБ

Хитой «Вашингтон таймс» газетасининг расмий Пекин «Ал-Қаида» террорчилик ташкилотига қурол-яроғ бераётгани тўғрисидаги хабарини кескин рад этди. Бу Хитой билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожига раҳна солмоқчи бўлаётган айрим кучларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас, деди ташқи ишлар вазирлиги вакили Чжан Циюэ. Унинг айтишича, Хитой террорчиликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди.

ТОП-МОДЕЛ ШУҲРАТИ

Франциялик киноактриса Летиция Каста она бўлди. Чақалоққа Сатин деган исм қўйилди. Летиция ўз фаолиятини топ-моделликдан бошлаган. У 1998 йили Канн кинофестивалидаги энг ёрқин намояндалар қаторидан жой олди. Икки йил муқаддам эса Летициянинг қомати Франция шаҳарлари мэрлари томонидан «Француз республикасининг рамзи» — Марианна ҳайкали учун қолип бўлишга лойиқ деб топилди. Яқин орада Летициядан кўчириб олинган «Марианналар» Франция кўчаларида пайдо бўлади.

ЧИНГИЗ ОҒАНИНГ ЯНА БИР КИТОБИ

Бани башар ижтимоий хасталиклардан фориғ бўлиш йўлидан бормас экан интиқом муқаррардир — мутация (наслнинг бузилиши), экологик портлашларнинг юз кўрсата бошлаши табиий. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романига эса инсониятнинг ҳалокат ёқасига бориб қолаётгани асосий ғоя қилиб олинган. Китоб таржимони профессор Суюн Қораев муаллифнинг рухсати билан русчадан ўзбекчага нашрда асарни «Охир замон нишоналари» деб атади. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган бу китобга ёзувчининг «Чингизхоннинг оқ булути» қиссаси ҳам киритилган. Бир неча минг нусхада босилган фалсафий романга Одил Ёқубов сўз боши ёзган.


■ Йўлдош СОЛИЕВ


БУХОРОДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Маълумки, 2002 йилнинг баҳорида Бухорода мамлакатимиз ёшларининг катта спорт байрами — Универсиада бўлиб ўтади. Бухороликлар кўҳна шаҳарни ана шу анжуманга тайёрламоқдалар. Шаҳар ҳокимининг фармойиши билан бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Шу боис, шариф шаҳар кўчаларида бўлган кишининг баҳри дили очилади. Чунки ёшини яшаб қўйган дарахтлар ўз ўрнини қиш маликаси — арчаларга бермоқда. Кенг ва равон йўллар атрофига ҳар хил гул кўчатлари ўтқазилиб, хиёбонлар чиройига чирой қўшилянти.

Айниқса, шаҳарнинг Иброҳим Мўминов, Қаюм Муртазоев, Турсуной Авезова, Алишер Навоий номли шоҳ кўчалари атрофига ўн минг тупдан зиёд гул ва арча кўчатлари ўтқазилди. Намозгоҳ кўчаси эса ўтқазилган 2000 туп терак билан янада яшариб кетди.

■ Даврон БАҲРОНОВ







ХЎЖАЛИКЛАРДА МИНИ-БАНК

Сурхон диёримизнинг жанубий сарҳади. Иқлими қишда ҳам мўътадил турувчи бу гўша субтропик неъматлар зироатчилиги билан ажралиб туради. Чорвадорлари эса вазни тананчани ҳам босадиган ҳисори қўйлари билан фахрланадилар. Воҳа азалдан маънавият ва маърифат маскани ҳисобланган. Зеро, ҳуррият нафасидан бахраманд, Ватан мустақиллигини кўнглига ифтихор ила туйган сурхонликлар бозор иқтисодиёти тамойилларига содиқ. Хусусан, бу республика акциядорлик-тижорат «Тадбиркорбанк»нинг Денов туман бўлими фаолиятида ўз ифодасини топган.

Тадбиркору ишбилармонларни қўллашда камарбаста бўлиб турган бўлимда 354 нафар мижозга хизмат кўрсатилиб, кўмак берилмоқда. Жорий йилда тадбиркорларга 50 миллион сўмдан ортиқ кредит бериш мўлжалланмоқда. Банк кўрсатаётган кўмак туфайли ўтган йили «Орзу-К» хусусий фирмаси шаҳар марказида замонавий бозор барпо этган эди.

— «Гулзор» савдо маркази фойдаланишга топширилгач, қарийб 1000 нафар киши иш билан таъминланди, — дейди фирманинг ижрочи раҳбари Ашур Исмоилов. — Бундан ташқари кўпчилик ҳавас қилса арзигулик сиҳатгоҳ ҳам ўз фаолиятини бошлаган. Демак, банк билан мижоз ўртасида ўзаро ишонч юзага келса, кўнгилдаги эзгу ишлар рўёбга чиқаверар экан.

«Тадбиркорбанк» туман бўлими бошқарувчиси Баҳриддин Мирзаалиевнинг мулоҳазаларини тинглаб, ширин хаёлларга борасан киши.

— Мустақиллигимиз туфайли банк фаолиятини ҳар жиҳатдан кенгайтиришга имкониятлар яратилди, — дейди у. — Яхши ниятда саъй-ҳаракатлар қиляпмиз. Насиб этса, барча ширкат хўжаликларида мини-банк очишни мўлжаллаб турибмиз. Назаримда бундай тадбир кўпчиликка эриш туюлиши мумкин. Лекин гапимга ишонаверинг, яқин йилларда хўжаликлар тугатилиб, ер ўз эгасини топади. Ёш, замонавий тадбиркорлар етишиб чиқади. Уларни маблағ билан қувватлаб турсак, ишлар юришаверади. Бундай катта ишларга бугундан пойдевор қўйилмаса, кейин қийин бўлади.

Тадбиркор раҳбар фермерларга йил бошидаёқ 54 фоизли аванс бериш дастурини ҳам амалга оширмоқчи. Шунда қишлоқлар янада ободонлашиб, меҳнат ўринлари кўпаяверади. Муҳими, ўзимиз бой бўлиб, турмушимиз фаровонлашиб бораверади.

■ **А. ҲАЙДАРОВ**

ШАРТНОМАда ШАРТЛАШДИНГМИ...

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни ривожлантиришнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланган шартнома муносабатларига катта эътибор қаратилмоқда.

Табиийки, шартнома ўзи нима деган савол туғилади. Шартнома бу хўжалик юритувчи субъектларнинг ўзаро иқтисодий муносабатларини тартибга солишнинг ҳуқуқий воситасидир. Шартномада тарафлар ўзаро келишган ҳолда, маълум бир мақсадга эришиш учун ўз зиммаларига фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини оладилар. Ана шундай икки ёки бир неча шахснинг фуқаролик ҳуқуқлари ва бурчларини вужудга келтириш, ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги келишув шартнома дейилади.

Шартнома, биринчидан, уни тузган тарафлар манфаатларига зид бўлмаслиги, амалдаги қонун ҳужжатларига мос келиши, тарафлар манфаатларини ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиши ва унда мажбуриятларни таъминлайдиган жавобгарлик чоралари назарда тутилган бўлиши керак.

Шартнома тузишда асосан қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

дастлаб тузиладиган шартноманинг предметини, яъни нима юзасидан тузилишини ва унинг оқибатидан келиб чиқадиган натижаларни аниқ тасаввур қила билиш лозим;

етказиб бериладиган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) миқдори, сифати, ассортименти ва баҳосини акс эттириш;

шартноманинг бажарилиш муддати, ҳисоб қилиш тартиби, тарафларнинг мажбуриятларини белгилаш;

шартнома шартлари ва мажбуриятлари тўла ёки қисман бажарилмаганда тарафларнинг жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби ҳамда тарафларнинг реквизитлари, шартнома тузилган сана ва жой акс эттирилиши лозим.

Низо чиқишининг олдини олиш мақсадида шартномада унинг шартлари аниқ ва равшан ифодаланиши, улар тарафлар имкониятига мос келиши, ҳажми ҳамда бошқа тарафнинг эса шу маҳсулотга ҳақ тўлаши ва уни етказиб бериш учун имкониятлари аниқ бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Қонуннинг 21-моддаси талаблари асосида хўжалик шартномаларини имзолашга тайёрлаш жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг юридик хизмати ёки шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган адвокатлар томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширилиши ва қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи миқдорининг икки юз бараваридан юқори суммадаги хўжалик шартномалари юридик хизматнинг ёки шартнома асосида ҳуқуқий ёрдам кўрсатаётган адвокатларнинг ёзма хулосасидан кейингина тузишга йўл қўйилади.

Ҳар қандай шартнома мазмунан қонун ҳужжатлари талабига ва тарафларнинг мақсад ва манфаатларига мос равишда тузилган бўлиши керак.

Шартноманинг амал қилиш муддати, тарафларнинг мажбуриятлари бажарилиши муддати шартномада кўрсатилиши зарур. Бу иккинчи тараф шартномани бажаришни рад этганда тегишли талабнома (претензия) киритиш ва жарима, пеня ундириш, келтирилган зарарни қоплатиш учун имконият яратади.

2001 йилнинг 11 ойи давомида 50 та хўжалик юритувчи субъектларда шартномалар тузилиши ҳамда уларнинг ижроси ўрганилганда, жами 1050 та 850.000.000 сўмлик шартномалар амалдаги қонунларга зид ҳолда тузилганлиги аниқланди ва барчаси қайта туздирилди.

Масалан, «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси тизимидаги «Темирчи» очиқ акциядорлик жамияти томонидан жами 19 та 130.000.000 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида шартномалар тузилган бўлиб, шундан 17 та 110.000.000 сўмлик шартномаларда етказиб берилиши лозим бўлган маҳсулотнинг номи, миқдори, тури, етказиб бериш муддатлари кўрсатилмаган.

«Ўзбек ипаги» уюшмаси тизимидаги «Тола» очиқ акциядорлик жамияти томонидан «Интегра» хусусий фирмасига 8.500.000 сўмлик маҳсулот етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномада маҳсулотнинг сифати, ассортименти, тарафларнинг шартнома мажбуриятларини бажармаган тақдирда мулкий жавобгарликлари белгиланмаган.

Республикамиз ўз миллий мустақиллигини тобора мустаҳкамлаб, бозор иқтисодиёти сари дадил боришида, шартнома интизомига риоя этиш, тарафларнинг ўзаро мулкий жавобгарлигини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

■ **Зафар ОЛИМОВ,**
Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бўлим бошлиғи



Аёл аввалом бор она, уй бекаси, унинг касида рўзғор ташвишларидан тортиб, жамиятимизда юз бераётган ўзгаришларнинг воситачиси бўлишдек масъулиятли вазифа ҳам бор. Бу борада қашқадарёлик хотин-қизларнинг ҳам хизматлари беқиёсдир. Суратларда сиймолари акс этган келажагимиз тарбиячилари бўлмиш Таллимаржон шаҳридаги «Лола» боғча-мактаб мажмуаси тарбиячиси Гулойим Қораева ҳамда Яккабоғ туманидаги «Олтин балиқча» болалар боғчасининг тарбиячиси Тамара Раҳматовалар доимо болажонлар билан бирга.

■ **Абдурасул ПАРДА олган суратлар**

ДИҚҚАТ, ЯНГИ НАШР!

КИТОБЛАРГА ОШНО ҚИЛИБ



Суратда кўриб турганингиз — «Китоб дунёси» нашри сизга нотаниш туюлаётгани табиий. Негаки, у янги нашр.

Тўғри, бугунги кунда нашрлар турли-турли, республика бўйича 500 номдан зиёд газета-журнал чоп этилмоқда. Энди улар сафига «Китоб дунёси» газетаси ҳам қўшилди. Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир нашрнинг ўз ўқувчиси бор. Худди шунингдек, «Китоб дунёси» ҳам тез орада ўз ўқувчиларини топиб олишига ишонамиз. Негаки, у ўқувчини китоблар оламига етаклайди, китоб билан дўстлаштиради. Яъни республикамизда 50 та нашриёт фаолият кўрсатаётган бўлса, уларнинг бир йилда чоп этган китоби 32 миллион нусхани ташкил этади. Демак, бир нашриёт ўрта ҳисобда бир йилда 10 мадан ортиқ турдаги китобни чоп этса, бундан ҳамма ҳам ўз пайтида хабар топавермайди. Айнан шу муаммони ечишда «Китоб дунёси» газетаси ўқувчилар учун «тилмоч» вазифасини бажаради. У ҳар бир нашриётда янги чоп этилган китоблар, мактаб ва олий ўқув юртлари дарсликлари хусусида қисқа, лўнда, лекин аниқ ахборотлар бериб боради. Нашриётлар каталоги билан ўқувчиларни таништириш ҳам кўзда тутилган. Бундан ташқари китобхонлар фикр-мулоҳазалари билан ҳам доимий равишда ўртоқлашади.

Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган «Китоб дунёси» нишона сонининг тақдимот маросимида айнан юқоридаги фикрлар билдирилди.

Дарвоқе, янги газета ойда икки марта чоп этилади. Унинг муассислари Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази.

■ **(Ўз мухбиримиз)**

ОММАВИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

ЮРТ ТАЯНЧИ ЙЎЛИДА

Маълумки, яқинда мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти хайрли ташаббусга қўл уриб, бир неча жамоат ташкилотлари билан биргаликда 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан «оммавий ватанпарварлик ойлиги» эълон қилинган эди. Қилинадиган ишлар сирасига ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жойларда турли тадбир ва учрашувлар ташкил этиш, ҳарбий қисмларда аскарлар билан мулоқотлар ўтказиш, шунингдек, спортнинг амалий ва техник турлари бўйича мусобақалар ташкил этиш киритилганди.



Сиртдан қараганда бу гўёки «Ватанпарвар» ташкилотининг юмушидек кўринсада, бироқ ойлик тадбирларида қатнашишнинг кўлами чегараланмаган. Яъни, ойликда барча қатнашиши мумкин.

Айни пайтда республикамиз миқёсида ойликни кўтаринки руҳ ва ташаббускорлик билан ўтказишда «Ватанпарвар» ташкилотининг ҳудудий тузилма ва муассасаларида қизғин тадбирлар бошлаб юборилди. Бу борада бошқа жамоат ташкилотлари амалга ошираётган муайян ишларни инкор этмаган ҳолда, оммавий ойликни ўтказишда «Ватанпарвар»нинг ўрни алоҳидалигини таъкидлаш жоиз.

Термиз автомобиль мактаби мамлакатимиз Қуролли Кучлари учун ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлашда қатор йилларданбуён самарали фаолият олиб бормоқда. Ўтган йили ташкил этилганлигининг ярим асрлик тўйини нишонлаган мазкур даргоҳнинг амалий иш кўламига назар соладиган бўлсак, автомобиль мактаби кейинги йилларда сезиларли натижаларга эришганини кўриш мумкин. Мисол учун, 1996 йилдан ҳисоблайдиган бўлсак ҳарбий-техник мутахассислар тайёрлаш режаси тўлиғинча уддаланиши баробарида бу кўрсаткичнинг кўтарилганлиги кузатилса, оммавий техник касбга тайёрлаш режаси ҳам анча яхши. Шунингдек, автомобиль мактаби курсантларининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан синовдан ўтказилиши ҳамда ҳамиша энг керакли омил сифатида қараладиган жисмоний тайёргарлик ва саломатлик меъёрларини ҳам талаб даражасида деса бўлади.

Юрт ҳарбий салоҳиятининг асосини ташкил этувчи ҳарбий-техник мутахассисларнинг тайёргарлик даражаси юқори бўлиши аввало уларга техниканинг сир-асрорларини ўргатувчи даргоҳларнинг ўқитиш тизими замон талабига нечоғлик жавоб бера олиш ёки олмаслигига боғлиқ. Юқори ташкилотлар томонидан ўтказиладиган текшириш натижалари мактаб ўқитувчилари билан муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни биртараф этиш тадбирлари тузилган. Мутахассислар тайёрлаш сифатини кучайтиришда мактабнинг ўқув-моддий негизи катта аҳамиятга эга. Мактабда 6 та назарий, 3 та амалий машғулотлар ўтиш синфлари мавжуд бўлиб, улар талаб даражасида жиҳозланган.



Шуни таъкидлаш керакки, бу ерда спортнинг техник ва амалий турларини ривожлантириш кенг йўлга қўйилган. Жумладан, автопойга, биатлон, денгиз кўпкураши мусобақаларида мактаб вакиллари қатор совринларни қўлга киритиб келмоқда.

Оммавий ватанпарварлик ойлиги муносабати билан автомобиль мактаби жамоаси ҳам қилинадиган ишларни белгилаб олди. Тадбир ва мусобақалар ўтказиш билан бирга спорт турлари бўйича бошқа вилоят жамоалари билан беллашишлар ҳам инобатга олинган.

■ **Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХОРИЖДА

ТЕКШИРУВДАН ЎТКАЗИЛМОҚДА

Германия аэропортларида АҚШ авиалайнерларида учраётган ҳар бир йўловчининг оёқ кийимлари рентгент орқали текширувдан ўтказилмоқда. Маълумки, АҚШ авиалайнерида Париждан Майамига учаётган самолётда террорчи қўлга олингандан сўнг мазкур чоралар амалга оширила бошланган эди.

ФАОЛЛАР ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Фаластин маъмурияти вакиллари бераётган маълумотга кўра, Исроил ҳарбийлари Ёсир Арофат бошқараётган ФАТХ ҳаракатининг 18 нафар фаолларини қўлга олишган. Тасдиқланмаган маълумотга кўра, 300 нафарга яқин Исроил ҳарбийлари танклар ва вертолётлар ёрдамида Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғидаги Аззун шаҳарчасига киришган ва фаолларни қўлга олишгач, у ерни тарк этишган.

ЖАРАЁН НИҲОЯСИГА ЕТДИ



Маҳачқалъада Салман Радуев ва унинг уч нафар сафдошлари устидан бораётган суд иши ниҳоясига етди. Ҳукмга кўра, Радуев бир умрлик қамоқ жазосига ҳукм қилинган, унинг сафдошларига эса 5 йилдан 15 йилгача қамоқ жазоси белгиланган.

Маълумки, Радуев ноқонуний ҳарбий ташкилотга аъзолиги, шунингдек, шу билан боғлиқ бир қатор жиноий моддалар асосида айбдор саналаётган эди.

Суд жараёни узоқ, шу билан бирга жамоатчилик диққатида давом этаётганди. Суд жараёнидаги, тўғрироғи, якунидаги бир ҳолат эътиборни тортгани айтилмоқда. Хусусан, Радуевнинг сафдоши Аттериевнинг «Чеченистонда бўлаётган воқеаларнинг асосий айбдори Дудаев деб ҳисоблаш удумга кирган, бироқ бундай эмас. Асосий айбдор — Чеченистоннинг эрксевар халқи. Ахир бир ёки икки киши бутун халқни урушга қўзғатиши мумкинми?» деган сўзлари кўплаб жаҳон матбуот нашрларида иқтибос сифатида келтирилмоқда.

ТАҲРИРИЯТ ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ



Москвада чиқадиган «Новые известия» газетаси журналисти Валерий Яков ва Россия хавфсизлик хизмати раҳбари Николай Патрушев ўртасидаги можарони Россия Олий суди кўриб чиқди. Эслатиб ўтамиз, газетада мухбир Валерий Яков томонидан «Патрушев Чеченистон ҳақида эслади» деган мақола чоп этилган эди. Суд можароси эса айнан шу мақола билан боғлиқ. Унда журналист Патрушевнинг Шимолий Кавказдаги аксилтеррорчилик кураши дея аталаётган ҳарбий ҳаракатлардаги раҳбарлиги ҳақида ҳикоя қилади. Жаноб Патрушев томони ушбу мақола ҳақиқатга мос келмаслиги ва унинг хизмат фаолиятига путур етказаётганлиги раддияси билан чиққанди.

Хуллас, Россия Олий суди ҳукмига кўра газета Патрушевдан кечирим сўраш тариқасида раддия мақоласини беради, шунингдек, етказилган маънавий зарар учун таҳририят 4 минг рубль, журналист эса минг рубль тўлашлари лозим.

ГУРУҲ РАҲБАРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Покистон хавфсизлик хизмати «Жайши Муҳаммад» экстремистик гуруҳи раҳбари Масъуд Азхарни ҳибсга олди. У 13 декабрь куни Ҳиндистон парламентига қилинган ҳужумни уюштирганликда айбланмоқда. Покистон Президенти Парвез Мушарраф агар М.Азхарнинг ушбу қўпорувчиликдаги иштироки тўла исботланса, мазкур гуруҳга қарши кескин жазо чоралари қўлланилишини маълум қилди.

ГАЗЕТА ХАБАРЛАРИГА ЖАВОБ

Хитой «Вашингтон таймс» газетасининг расмий Пекин «Ал-Қаида» террорчилик ташкилотига қурол-яроғ бераётгани тўғрисидаги хабарини кескин рад этди. Бу Хитой билан АҚШ ўртасидаги алоқалар ривожига раҳна солмоқчи бўлаётган айрим кучларнинг уйдирмасидан бошқа нарса эмас, деди ташқи ишлар вазирлиги вакили Чжан Циюэ. Унинг айтишича, Хитой террорчиликнинг ҳар қандай кўринишини қоралайди.

ТОП-МОДЕЛ ШУҲРАТИ

Франциялик киноактриса Летиция Каста она бўлди. Чақалоққа Сатин деган исм қўйилди. Летиция ўз фаолиятини топ-моделликдан бошлаган. У 1998 йили Канн кинофестивалидаги энг ёрқин намояндалар қаторидан жой олди. Икки йил муқаддам эса Летициянинг қомати Франция шаҳарлари мэрлари томонидан «Француз республикасининг рамзи» — Марианна ҳайкали учун қолип бўлишга лойиқ деб топилди. Яқин орада Летициядан кўчириб олинган «Марианналар» Франция кўчаларида пайдо бўлади.

ЧИНГИЗ ОҒАНИНГ ЯНА БИР КИТОБИ

Бани башар ижтимоий хасталиклардан фориғ бўлиш йўлидан бормас экан интиқом муқаррардир — мутация (наслнинг бузилиши), экологик портлашларнинг юз кўрсата бошлаши табиий. Машҳур ёзувчи Чингиз Айтматовнинг «Кассандра тамғаси» романига эса инсониятнинг ҳалокат ёқасига бориб қолаётгани асосий ғоя қилиб олинган. Китоб таржимони профессор Суюн Қораев муаллифнинг рухсати билан русчадан ўзбекчага нашрда асарни «Охир замон нишоналари» деб атади. «Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компаниясида чоп этилган бу китобга ёзувчининг «Чингизхоннинг оқ булути» қиссаси ҳам киритилган. Бир неча минг нусхада босилган фалсафий романга Одил Ёқубов сўз боши ёзган.


■ **Йўлдош СОЛИЕВ**


БУХОРОДА ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ

Маълумки, 2002 йилнинг баҳорида Бухорода мамлакатимиз ёшларининг катта спорт байрами — Универсиада бўлиб ўтади. Бухороликлар кўҳна шаҳарни ана шу анжуманга тайёрламоқдалар. Шаҳар ҳокимининг фармойиши билан бу ерда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги ўтказилмоқда. Шу боис, шариф шаҳар кўчаларида бўлган кишининг баҳри дили очилади. Чунки ёшини яшаб қўйган дарахтлар ўз ўрнини қиш маликаси — арчаларга бермоқда. Кенг ва равон йўллар атрофига ҳар хил гул кўчатлари ўтқазилиб, хиёбонлар чиройига чирой қўшиляпти.

Айниқса, шаҳарнинг Иброҳим Мўминов, Қаюм Муртазоев, Турсуной Авезова, Алишер Навоий номли шоҳ кўчалари атрофига ўн минг тупдан зиёд гул ва арча кўчатлари ўтқазилди. Намозгоҳ кўчаси эса ўтқазилган 2000 туп терак билан янада яшариб кетди.

■ **Даврон БАҲРОНОВ**







«ОҲАНГАРОНШИФЕР»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

умидбахш орзулар ила кутилаётган 2002 йил муносабати билан барча юртдошларимизни чин дилдан муборакбод этади.

Саховат, мардлик, матонат, меҳр-муҳаббат рамзи ҳисобланмиш от йили Ватанимизга ва фуқароларимизга битмас-туганмас бахт-саодат келтирсин. Бинобарин, Қарияларни қадрлаш йили нафақат кексалар, балки барча-барчанинг қалбига зиё бахш этсин. Бизнинг жамоамиз аъзолари Янги йилни ажойиб меҳнат ютуқлари билан кутиб олаётир. Белгиланган режалар ортиғи билан уддаланди.

Ниятимиз — Янги йилда ютуқларимизни янада кўпайтириш.

2002 йил муқаддас юртимизга файзу барака, омонлик ва хотиржамлик бахш этсин.

Яхши ниятларимиз йўлдошимиз бўлсин!

«НУКУС УН»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ажойиб байрам —

Янги йил билан

ўлкамизнинг барча фуқароларини табриклаш шарафига муяссар бўлганидан ўзини бахтиёр ҳисоблайди. Буюк келажак сари шаҳдам одимлаётган Ўзбекистонимиз дон мустақиллигига эришганидан мамнунмиз. Биноборин, ризқи, насибаси бутун элда яшаб моқдамиз. Оллоҳга беадад шукрлар бўлсинки, Ватанимиз йилдан-йилга обод, фаровон бўлиб бораётир. Ўйлаймизки, 2002 йил ҳам қутлуғ келади.

Келажаги буюк мамлакатимиз тинч, халқимиз осойишта бўлсин.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

«Бухоро турист»

хиссадорлик

жамияти жамоаси

Янги йил хонадонларимизга осойишталик, фаровонлик, қут-барака олиб кирсин. Қарияларни қадрлаш йилида барчамизга бахт ва шодлик ҳамроҳ бўлсин.



«ЎзТРАНСГАЗ»

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИГА ҚАРАШЛИ

«УРГАНЧТРАНСГАЗ»

ШЎЪБА КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

барча ватандошларимизни

Янги йил байрами

муносабати билан самимий муборакбод этади.
Ўзбекистон — Оллоҳ назари тушган серқуёш, жаннатмакон ўлка.
Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Зеро, юртимизда ер ости бойликлари ҳам, унумдор замин ҳам мавжуд. Бизнинг эзгу ниятимиз ана шу бойликларни ўзлаштириб, халқ манфаатига хизмат қилдиришдир. Баракали меҳнатимиз билан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга доимо камарбастамиз.
Байрам шодиёнаси мамлакатимиздаги ҳар бир хонадонга тинчлик, қут-барака ва фаровонлик бахш этсин.
Суюкли Ватанимизни Яратганнинг ўзи асрасин.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!



РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ

меҳнат жамоаси

Ўзбекистон халқини кириб келаётган

ЯНГИ ЙИЛ

билан чин қалбдан табриклайди.

Ушбу байрамнинг кўтаринки руҳи мамлакатимиз қудратини янада мустаҳкамлаш, амалга оширилаётган ислоҳотларни янада жадаллаштириш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтиришда барчамизга янги куч-ғайратлар бахш этсин.

Байрамлар шукуҳи дилларни ёруғ этади. Юртимиз жаҳонга чиқди. Эндиликда нафақат Ўзбекистонни, балки кўчмас мулк биржамизни ҳам дунё танийди. Бу эса меҳнат фаолиятимизнинг жаҳон андозаларига монандлигини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бу йил талай ютуқларни қўлга киритдик. Илоҳим, 2002 йил ҳам Ўзбекистон учун, унинг аҳолиси ва ишлаб чиқариш жамоалари учун омадли, ютуқларга бой йил бўлсин.

Ёмон кўзлардан Яратганнинг ўзи асрасин!

«ҚАШҚАДАРЁТРАНС» АВТОМОБИЛЛАРДА ЮК ВА ЙЎЛОВЧИ ТАШУВЧИЛАР ВИЛОЯТ УЮШМАСИ

Ўзбекистон меҳнаткашларини

Янги – 2002 йил билан

чин кўнгилдан қутлайди.

Яратган Оллоҳ хонадонларингизга мунаввварлик, файз-барака, ҳаётингизга нур ато этсин!



«ШАҲРИСАБЗ-КОНСЕРВА»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Янги йил Ўзбекистон халқи хонадонига қут-барака, кўнглига ойдинлик, умрига ёруғлик, бахт ато этишини тилайди.

ҲАР ТОНГ ОТИШИ ВА ҚУЁШ БОТИШИ ҲАР БИР КЎНГИЛГА НАСИБ АЙЛАСИН!


«Шаҳрисабз-консерва» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси



Мустақил Ўзбекистоннинг бахтиёр фуқаролари!

«БУХОРО ЁҒ»

очиқ акциядорлик жамияти аъзолари Сизларни Янги — 2002 йил билан табриклайди. Сизларга мустаҳкам соғлиқ, оилавий бахт, дастурхонларингизга файзу барака тилаб, барча орзу-умидларингизнинг рўёбга чиқишини Оллоҳдан сўраб қолади.



Янги йилингиз қутлуғ бўлсин, азиз ҳамюртлар!


«МАКТАБ - MEBEL»


Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси

юртимизнинг барча фуқароларини Янги йил билан муборакбод этади.

Маълумки, серқуёш диёримиз ҳамиша келажак авлод ҳақида ғамхўрлик қилиб келади. Бизнинг қўшма корхонамиз ҳам мактаблар учун мебеллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. «Соғлом авлод» дастури доирасида ташкил этилган корхонамиз сифатли, бежирим мебеллар ишлаб чиқариш борасида катта тажрибага эга бўлди. Ниятимиз — Ўзбекистон болалари ҳамиша соғлом ва бақувват бўлиб вояга етсин. Мустақил Ватанимизнинг ёшлари янада баркамол бўлсин.


Янги йилингиз муборак бўлсин!





BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЯНГИ — 2002 йил БИЛАН ЧИН КЎНГИЛДАН МУБОРАКБОД ЭТАДИ



Кириб келаётган янги йил ҳамкорлик, ҳамдўстлик йили бўлиб қолишига ишонамиз. Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Хорижий шериклар сони ҳам кун сайин ортаётир. Қатор қўшма корхоналар, жумладан, «BURSEL» компанияси ҳам шу ҳамкорлик мевасидир.

Шу азиз заминда яшаётган инсонларни қутлар эканмиз, ҳар бир оилада, ҳар бир гўшада тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Дастурхонидан тўкинлик аримасин.

BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

Азалий қондош, қардош ўзбек ва турк халқлари орасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!

МУТОЛАА ЗАВҚИ

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Яқинда «Фан» нашриётида чоп этилган Алп Жамолнинг «Адабий сценарийлар» китобига қирган ўнлаб эҳром асарлари худди шу бугун ёзилгандай. Ҳолбуки, улар машъум шўро даврида яратилган ва телевидение орқали кўрсатилган. Ҳайратланарли томони шундаки, бу сценарийларнинг биронтасига ҳам ўша замоннинг совуқ шамоли таъсир этмаган, бу асарлар мафкуравий жиҳатдан майиб бўлиб қолмаган. Хўш, Алп Жамол бунга қандай эришган?

Биринчидан, адиб коммунистик тузумнинг ичидан чириб бораётганини онги ва иқтидори билан илғаган. Бу сўзларнинг исботи сифатида Алп Жамол ўғли Абдураҳмон Асомиддиновнинг қуйидаги маълумотини келтириш ўринли: «Бу тузумнинг ўзи узоққа бормайди. Чунки, у кўпчиликка озор етказди. Зулм билан қақшатди... Бу жамият вақти келиб йўқ бўлиб кетади», — дер эди отам. Алп Жамолнинг бундай дунёқараши унинг ижодида ҳамиша ҳамроҳ бўлган.

Алп Жамолнинг иккинчи жиҳатдан ютуғи шундаки, у ҳаётга, воқеликка, инсонларнинг фаолиятига, қилмишларига соғлом кўз билан қаради, чуқур билим андозаси билан ёндашди, таҳлил қилди. Бу фазилатлар драматургнинг ижодига ҳақиқат нурини олиб кирди, китобхонлар ва томошабинларнинг олқишига сазовор этди.

Алп Жамол миниатюралари, пьесалари, сценарийларининг йиллардан-йилларга, даврлардан-даврларга ўтиб юрганлигининг, уларнинг оҳори тўкилмаганлигининг, долзарблигини сақлаб қолишининг боиси ҳам мана шундадир.

Китобга кирган «Ғизғизон», «Бевафо якан», «Тош тешар». «Тузоқ» каби комедияларни оласизми ёки «Меҳрибонлар», «Қувғин», «Кўрпангга қараб», «Мубтало», «Жафога вафо», «Аросат» каби чуқур драматизм билан суғорилган пьесаларини кўздан кечирасизми — ҳамма-ҳаммасида бугунги мустақиллик даврининг талаб ва вазифалари барқ уриб тургандай, фуқароларнинг руҳига, уларнинг ҳаёт моҳиятига мос ва хос тушгандай тасаввур туғдиради. Шундан кўриниб турибдики, бадиий пухта, баркамол асарлар чегара билмасдан, даврлар оша бадиий қийматини, тарбиявий аҳамиятини йўқотмас экан. Бошқача қилиб айтсак, Алп Жамол адабий сценарийларининг таъсир кучи ошиб, бугунги кунда ҳам юксак тарбиявий, мафкуравий аҳамият касб этмоқда.

Шу жиҳатдан олганимизда «Фан» нашриёти Алп Жамолнинг «Адабий сценарийлар»ини чоп этиб, хайрли ишга қўл урган (муҳаррир Умрзоқ ҳожи Зокир ўғли).

Алп Жамол ўзининг бутун ижодий фаолияти давомида элу юртга номус келтирувчи, ҳалол, меҳнаткаш элининг оёғига болта уриб, асабини кемирувчи ғаламисларни, қаллобларни, порахўру ароқхўрларни, мансабпарастлар, туҳматчилар, иғвогарлар, ялқов, мунофиқларни ҳажв тиғига санчиб, уларга нисбатан халқ ғазабини уйғотган, уларни маҳв этишга чорлаган. Бунда у сатира-ҳажвдан, юмордан, ҳазил, мутойибалардан кенг фойдаланган. Нуқсонларни кулги, мазах билан қоралаш қийин ва мураккаб ижодий иш. Кулги шундай кучга, қудратга эгаки, у бир вақтнинг ўзида ҳам кулдиради, ҳам куйдиради, ҳам нафрат қўзғатади. Рус адиби Н.Гоголь таъкидлаган эди: «Кулги улуғ иш. У кишини на ҳаётдан, на мулкидан маҳрум қилади. Лекин унинг олдида айбдор ўзини худди боғланган қуёндай ҳис қилади».

Кулги халқимизнинг иноми, шифобахш неъмати, деб тушунган Алп Жамол ўзининг комик сценарийларининг руҳига, характерларнинг табиатига, шароит ва вазиятнинг туб моҳиятига кулгини, масхарани моҳирлик билан сингдириб юборган. Унинг «Ғизғизон», «Тош тешар» асарлари заминида аччиқ киноя, заҳарханда ҳажв ҳаёт ҳақиқати билан уйғунлашиб куч-қудрат касб этади, таъсир кучи ортади. Алп Жамолнинг салбий қаҳрамонлари Ғизғизон (шу номли сценарий), Самандаров, Турғунбоев («Тош тешар»), Мўминжон («Бевафо якан»), Муллабой («Мубтало») лар воқеалар оқимида ўзларини худди боғланган қуёндай ҳис қиладилар. Муаллиф уларнинг ички дунёси чиркин, ифлос фисқу фужурдан иборат эканлигини ёрқин бадиий бўёқлар билан шу қадар ишонарли тасвирлайдики, китобхон сесканиб кетади, ғазабланади.

Сценарийчи, айниқса, «Ғизғизон»да иғвогар, туҳматчининг шундай образини яратганки, у классик образ даражасига кўтарилган. Маълумки, драматургияда жуда кўп ғаламислар образини биламиз. Лекин Ғизғизон ҳеч бирига ўхшамаган, иғвогарларнинг пирига айланган, бахилликдан кафан кийган одам шаклига кирган шайтондир. Асарнинг қиммати, аҳамияти шундаки, унда туҳматчини келтириб чиқарган ижтимоий замин асослаб берилган, ғийбатчининг туб илдизи очиб ташланган. Сценарийнинг яна бир муҳим томони шундаки, у томошабинларни туҳмат балосидан сақланишига, огоҳ бўлишга чорлайди. Айниқса, ҳозирги вақтда диний фанатизм ёлғонлари сиртмоғига илиниб қолмасликка давъат этади.

Алп Жамолнинг «Адабий сценарийлар»идаги асарлар кулгидан усталик билан фойдаланганлиги жиҳатидан адабиётимиздаги энг яхши комедиялар даражасига кўтарилган, десак муболаға бўлмайди.

Алп Жамол Абдулла Қодирий, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Саид Аҳмад анъаналарини чуқур эгаллаб, ўзи ҳам комедия жанрига улкан ҳисса қўшганлигини исботлай олган. Мисол учун «Тузоқ» сценарийсини олиб қарайлик. Ундаги Отин фолбин атоқли ҳажвиячиларимизнинг фирибгар руҳонийлар, динни ниқоб қилиб иш кўрувчи муттаҳамлар образининг давоми ва ривожи сифатида кўз ўнгимизда намоён бўлади. Отин фолбиннинг қаллоблик билан диний хурофот воситасида «даволамоқчи» бўлиб, нодон кишиларни ўз сиртмоғига илинтиришларини фош қилиш орқали муаллиф огоҳликка ундайди.

Характерлиси шундаки, Алп Жамолнинг кўп сценарийлари миллийлиги, халқчиллиги билан бирга кескин драматизм билан суғорилган. «Тузоқ»да Отин фолбин ва унинг таъсирига тушиб қолган қора кучга қарши кураш судья Акмал, ўқитувчи Гулнора фаолиятлари билан кескин тусга кирган. Бу курашда салбий образлар биз бирор асарини, ушбу китобга кирганларини ҳам, кирмаганларини ҳам ижодхонада ўтириб олиб, хаёлот кучи билан яратмаган, у доим одамлар ичида бўлиб, ҳаётнинг турфа ҳолатларини кузатар ва кейинчалик уларни қоғозга туширади. Шу маънода отамизнинг ушбу китобларини ҳам ҳаёт ҳақиқатлари ҳақидаги асар, деб айтиш мумкин».

Адибнинг фарзанди тўла ҳақ. Китоб ҳаётий кўзгудек сержило, ҳаққоний чиққан. Ноинсоф, бағритош Қамбарнинг Гулорони алдаб, норасида гўдагини ташлаб кетишига мажбурлаб, кейин бевафолик қилишини («Аросат»), Тўғонбоевнинг олғир, юлғичлик ила халқ ҳақига хиёнат қилишини («Тош кесар»), пул-дунё кўзини, инсофини кўр қилиб, қариндошларига, хотинига озор бериб, отасига қўл кўтарган, ўлгандан кейин обрў олиш учун юзлаб, икки юз килолаб гуруч дамлаб ош тортган, аслида падари



бузрукворининг гўри қаердалигини билмайдиган Нодирбек каби образларни оласизми, ҳаммаси ҳаётда, атрофимиздаги кишилардек туюлади. Айниқса, «Кўрпангга қараб» («Тўйдаги тутун») сценарийсидаги воқеа ибратли ва бугунги кунимизда ғоят долзарбдир. Асардаги Бегмат хотини Муаззам билан орзу-ҳавас деб қизлари Муборакнинг данғиллама тўйини қарзга ботиб ўтказгандан кейинги нидосига қулоқ тутайлик: «Қарз, қарз, қарз. Растарат... Олиб кетиши аниқ. Орзу-ҳавас, ахмоқона тантанага берилиб қулоғимгача қарзга ботганимни билмай қолдим. Бунақа тантананинг нима кераги бор эди?»

Тўй-ҳашамларни, маросимларни исрофгарчиликсиз ўтказиш ҳақидаги қарорни эсласак, масаланинг қанчалик муҳим ва долзарблиги ўз-ўзидан аён бўлади.

Келажагимиз бўлган ёшлар тарбияси доим долзарб бўлган. Айниқса, шу кунларда уларнинг иродасини заифликдан, диёнатсизликдан асраб, ўткир зеҳнли, билимдон қилиб тарбиялаш асосий масалалардан биридир. Алп Жамол бу соҳада ҳам катта мерос қолдирган. Унинг «Меҳрибонлар» сценарийси ибрат бўладиган асардир. Унда боланинг эгри кўчага қандай кириши, унга йўл қўймаслик учун нималар қилиш лозимлиги, умуман тарбия жараёни маҳорат билан ёритилган. Сценарийлар ҳақида гап кетганда, улар тилининг ширалилиги, тасвирий воситаларга, мақол ва ҳикматли сўзларга бойлиги, қаҳрамонлар нутқини нозиклик билан индивидуаллаштирилишини айтмасдан ўтолмаймиз.

Алп Жамолнинг миниатюраларидан тортиб интермедия ва пьесаларигача бу фазилатлар хосдир.

Юқорида тилга олганимиз адибнинг ўғли Абдураҳмон Асомиддиновнинг китобдан жой олган мақоласи ифодали, мазмундор ёзилиши билан бирга, ҳар бир сценарийнинг тарихи, ҳаётий илдизлари ҳақида жуда зарур манбаларни беради. Булар ҳам тадқиқотчилар, ҳам ёш ижодкорлар учун, умуман, адабиёт мухлислари учун зарурдир. Ф.Жўраевнинг «Серқирра ижод соҳиби» мақоласи ҳам сценарийларнинг моҳияти ва бадиий баркамоллигини тушинишга хизмат қилади.

Алп Жамол миниатюраларни кўп ва хўп ёзган. Ҳеч бир адиб унинг олдига тушолмайди. Буларни кенгроқ билишни истаган китобхон марҳум Ғайбуллоҳ ас-Саломнинг «Алп Жамол ойнаи жаҳонда» номли мақоласини ўқиши мумкин. Алп Жамолнинг асарларини ўқиб шундай хулосага келдик. Агар бадиий асар баркамол бўлса, у замонлар оша яшайверади. Бунга ёрқин мисол Алп Жамолнинг ўлмас бадиий пухта асарларидир. Уни эл севиб қолишининг боиси ҳам мана шундадир.

■ **Ҳафиз АБДУСАМАТОВ**

ЭҲТИРОМ

ЯРИМ АСР КИТОБ БИЛАН

Матбаачилар орасида бутун умрини ноширчиликка бағишлаган меҳнат фахрийси Азиз Бобохонов ҳақида шундай гап юради: «Азиз Бобохонов бошчилигида нашр этилган китобларни Ер куррасига бир неча марта белбоғ қилиб чиқса бўлади».



Бу таъриф матбаачилик соҳасида салкам эллик йил фаолият юргизган А. Бобохоновнинг меҳнатига, қўйингки, умрига берилган баҳо. Илло, умрини китобатчилик — одамларга зиё, маърифат тарқатишдек муқаддас ишга бағишлаган инсон учун бундай эътироф, умрини, меҳнатини муқаддас китоб — маърифат билан таърифлаш, албатта, ҳар нарсадан улуғдир.

1947-49 йилларда Эски Жўвадаги 2-ҳунар-билим юртининг ҳарф терувчи гуруҳида таҳсил олган ёш Азизбек фаолиятини қўлда ҳарф терувчиликдан бошлади. Мутолаа завқини болалигидан олган Азизбекнинг ўзи ҳам шеър, ҳикоя ва мақолалар машқ қилиб турар эди. Ижод қилишга бўлган истак у кишини яна ўқишга етаклади.

1969 йил ТошДУнинг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини сиртдан муваффақиятли тамомлади ва матбуотда А. Бобохоновнинг ўнлаб турли мавзудаги мақола, очерк ва тадқиқотлари босилиб чиқа бошлади. Айниқса, Азиз аканинг ўзбек матбаа ва ноширчилик тарихига оид «Устозлар ва шогирдлар», «Матбаа байроқдорлари», «Асрга тенг матбаа», «Ўзбекистон матбааси тарихидан», «Полиграфия Узбекистана» асарлари ноширчилик тарихини ёритишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Бу кичкина тадқиқотлар, ниҳоят, илмий ишга туртки бўлиб А. Бобохонов матбаамиз тарихига оид номзодлик ишини ҳимоя қилди ва тарих фанлари номзоди илмий унвонига сазовор бўлди.

Шу билан бирга А. Бобохонов бадиий ижодни ҳам унутмади. Болаларга атаб «Бир суврат тарихи» номли асар ёзган бўлса, у кишининг таржимаси натижасида В.Архангельскийнинг «Бухинвальд», Бурлт ҳикояларидан иборат «Қирдаги жала» тўплами, Жони Родарининг «Рим эртаклари» асари, «Жаҳон халқ эртаклари» ўқувчилар қўлига етиб борди.

Оддий ҳарф терувчиликдан ишни бошлаган Азиз Ҳамид ўғли кейинчалик турли нашриётларда масъул лавозимларда ишлаб келди. Ғафур Ғулом номидаги, «Ўзбекистон», «Мерос», «Шарқ» каби нашриётларда фаолият олиб борган А. Бобохонов бошчилигида бир олам дуру дурдона асарлар босмадан чиқди. Илк бор шарқ — араб, форс, урду, бенгал, ҳинду, пушту, дари тилларида китоб чиқаришда бош-қош бўлган А. Бобохонов ўзбек адабиётининг етук намояндаларининг танланган асарларини ҳам чоп эттиришда намуна бўлди. У кишининг номига Мирзакалон Исмоилий, Тўхтасин Жалолов, Миртемир, Озод Шарофиддинов, Пиримқул Қодиров, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов ва яна бир қанча адиб ҳамда олимлар томонидан ёзилган миннатдорчилик битиклари ана шу хизматларининг эътирофидай таассурот уйғотади.

Ноширчилик фаолиятида А.Бобохонов Алишер Навоийнинг ўн беш жилдлик, М.Горький, Ойбек, Ғафур Ғулом асарларининг ўн жилдлик, Абдулла Қаҳҳорнинг олти, Ҳамид Олимжон ва Шайхзоданинг беш, Юнус Ражабийнинг беш жилдлик «Шошмақом», Асқад Мухтор, Комил Яшин, Саид Аҳмад, Раҳмат Файзий, Миртемир, Шуҳрат, Иброҳим Раҳим, Туроб Тўла, Зулфияларнинг бир неча жилдлик танланган асарларини нашрдан чиқаришга муваффақ бўлди. Шунингдек, мумтоз адабиётимизнинг сайланма асарлари ва плакатларининг ҳам босмадан чиқишида у кишининг муносиб ҳиссалари бор. Айниқса, факсимил нашрлар: Қуръони Каримнинг икки нашри (1972 й.) Ал-Бухорийнинг «Ал-жомиъ-ассаҳиҳ» ҳадислар тўпламининг икки жилди (1975 й.) нашрида ҳам у кишининг иштироки ва хизматлари катта бўлди.

Ўзининг ярим асрлик умрини матбаачилик ишига бағишлаган бу инсоннинг оила аъзолари ҳам шу соҳада ишлаб ота-сулола изидан бормоқдалар. Азиз аканинг турмуш ўртоқлари Муқаддас аянинг «Медицина» нашриётида ишлаётганларига ҳам мана 40 йил бўлибди. Уларнинг ўғиллари Авазхон, келинлари Ҳалимахон, қизлари Раънохон ҳам ота-она касбини тутди. «Ўздавматбуотқўм»да етук мутахассис-муҳандис, «Мажнунтол», «Ёзувчи» нашриётларида раҳбар ўринбосари бўлиб ишлаган Аваз Бобохонов бугунги кунда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясида республикамизда чоп этилаётган вақтли матбуот нашрларининг салмоқли қисмини босмадан чиқараётган босмахонада бўлим раҳбари сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Ажойиб ношир, журналист-олим Азиз Бобохонов яқинда 70 ёшга тўладилар. Умрини одамларга зиё тарқатишдек эзгу ишга сарфлаган устозимизга соғлик-саломатлик, оиласига тинчлик-хотиржамлик тилаймиз.

■ **Юнус ЗИЁДОВ, Акбар АБДУМУРОД ўғли**

СОЗ СЕҲРИ



■ Шавкат АКРАМОВ олган сурат

ОВЧИ ДАФТАРИДАН

ҒОЗ ОВЛАЙМАН ДЕБ...

Сартюзи қишлоғининг дўконида оққўрғонлик Отабой домлани учратдим.

— Овчи бўлсангиз бизнинг сойга юринг, сон-саноқсиз ўрдагу ғоз босган...

Эрта тушган совуқ кўл ва сойларни музлатди. Қишлашга қолган сув паррандалари энди иссиқ булоқ тарафларга, музламайдиган хилват сойларни кўзлаб парвозга чоғланади. Бундай булоқлар атрофи қиши билан ямяшил майса ўтларга бой бўлади. Балчиқлари сершувалчанг бўлиб, лойхўраклар хўп яйрашади. Бойжингил ва қугай билан қопланган ҳовузчаларда чуррак, ўрдак ҳатто ғозларни ҳам учратиш мумкин.

Ов гашти хаёлларига берилиб, Отабой домланинг меҳмони бўлдим. Тонг отар-отмас домла мени уйғотқан:

— Фақат ғоз овланг. Машак-пашакка ўқ сарфламанг. Худо хоҳласа кечқурун бир ғозхўрлик қилайлик, — деб мени кузатди.

Қишлоқ тегирмонидан ўтиб сойга тушдим. Қўнжи узун резина этигим билан сувни шалоплатиб, ов бошладим. Энг аввало қўшотаримга йирик сочма ўқ жойлаштирдим. Сойнинг икки қирғоғи баланд тепаликлардан иборат бўлиб, ҳали қорайиброқ кўринарди. Сой буғланиб турибди, сал нарини илғаш қийин. Кўзимга қора сою оппоқ қор чалинади, холос.

Юрганим сари ё чап, ё ўнг томонимдан машаклар «маъраб» учиб қолишади. Кугай билан ўралган кўлмакдан ўтишим билан иккита ўрдак эринибгина «какиллаб» кўтарилди, қўшотаримни тўғирлаб отдим. Ҳеч бўлмаса, битта лойхўракни отай», деб тепкини кетма-кет босишим билан ўнг томондан иккита йирик ғоз кўтарилса бўладими! Қани энди уларга ўқ! Овдан қуруқ қайтиш аламига жийда шохларида хурпайиб ўтирган чумчуқларни бир отишда 10 тасини қулатдим ва йўл-йўлакай тозалаб келдим. Домланинг тушликка мактабдан қайтишига жаркоп тайёрладим.

Отабой домла уйига кирар экан: «Бай-бай! Ғоз гўштининг ҳиди келяптику! Қойилман, овчилигингиз бор экан», деб дастурхонга ўтирдилар. Лагандагисини кўриб:

— Ғознинг гўштига ўхшамайди-ку?

— Тезроқ пишсин, деб майдароқ тўғраб қўйибман-да, домла, — деб ҳазилга йўйдим.

Ҳаётда ҳам худди шундай бўлади. Майда-чуйда интилишларга кучимизни, маблағимизни сарфлаб қўямиз-да, арзигулик нарсага имконият туғилганда куч ҳам, маблағ ҳам топмаймиз. Агар мен ҳам лойхўраккa ўқ сарфламаганимда ғоз ўрнига чумчуқ отармидим...

■ **Ғофур ЖЎРАЕВ**

КУЛГИ — УМР ЗИЙНАТИ

Эр хотинга:

— Эшитяпсанми, эртага «Қадрдон дўстимнинг тўйи» бўлади, ҳалиги, оти нимайди, Жулия Робертс билан...

— Яна қанақа қадрдон дўстинг? Олдинроқ айтсанг бўлмасмиди? Қайси либосимни кияман? Янги кўйлагим бўлмаса? Боз устига совға дегандай, шу кезда қаердан совға қидирамиз?

— Эси паст хотин, бердисини айтгунча эшит. Бу кино — «Қадрдон дўстимнинг тўйи». Қанақа бефаҳм, маданиятдан орқада қолган хотинсан.

— Вой-бўй, сен яхшиси маданиятдан оғиз очмасанг бўлармиди. Ахир кечагина «Оққуш кўли»га борайлик», деганимда «қаҳратон қишда «балиқ овига бало борми» деб қарши бўлган ким эди?

✧✧✧

Эшик қўнғироғи жиринглади. Хотин эшикни очди.

— Мен бостонлик «жон олгувчи аёлман», — деди башарасига ниқоб таққан, қора либосга бурканган кимса.

— Азизим, сенга келишибди, — деди хотин эрига бамайлихотир.

■ **Саида САЙХУН тайёрлади**

Мирзо Улуғбек туманидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Докучаев Олег Львович номига берилган муҳр йўқолганлиги туфайли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни жамоаси Бурғалаш-портлатиш қурилиш бошқармасининг собиқ бошлиғи

Хусан ОҚИЛОВнинг

бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оиласи ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмаси фахрий-байналмилалчи, Ўзбекистон жангчи фахрийлар (байналмилалчилар) бирлашмасининг «Ал-Сабина» шўъба корхонаси директори

Олим Аббосович СОЛИЕВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан маълум қилиб, марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

BOSH MUHARRIR
Azim SUYUN

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 36-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Sulaymon HAYDAROV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»-ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti 21.00.
Topshirildi — 21.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA